

## ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА АХЛОҚИЙ МЕЗОН ВА МЕЪЁРНИНГ ЎРНИ

*Muminov Sherzod Kamilovich*

*mustaqil izlanuvchi*

**Аннотация:** Мазкур мақолада жамият маънавий ҳаётини юксалтиришда ахлоқий меъёрларнинг ўрни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинади. Ахлоқий меъёрлар инсон хулқ-атворини тартибга солувчи асосий омил сифатида жамият барқарорлиги ва маънавий муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, уларнинг тарихий ривожланиши, миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги ҳамда ёшлар тарбиясидаги роли ёритилади. Замонавий глобаллашув ва рақамли муҳит шароитида ахлоқий меъёрларнинг трансформацияси ва уларни мустаҳкамлаш механизмлари асослаб берилади. Мақолада ахлоқий қадриятларни ривожлантириш орқали жамият маънавий тараққиётини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Илмий хулосалар ва амалий таклифлар ҳам баён этилган.

**Калит сўзлар:** ахлоқ, меъёр, маънавият, жамият, қадрият, тарбия, маданият, глобаллашув, рақамли муҳит, барқарорлик

**Аннотация:** В данной статье анализируется роль моральных норм в улучшении духовной жизни общества с социально-философской точки зрения. Моральные нормы, как основной фактор, регулирующий поведение человека, играют важную роль в формировании стабильности и духовной среды общества. Также освещаются их историческое развитие, совместимость с национальными и универсальными ценностями, а также их



роль в воспитании молодежи. Обосновываются трансформация моральных норм и механизмы их укрепления в условиях современной глобализации и цифровой среды. В статье особое внимание уделяется вопросам обеспечения духовного развития общества посредством развития моральных ценностей. Представлены научные выводы и практические предложения.

**Ключевые слова:** мораль, норма, духовность, общество, ценности, образование, культура, глобализация, цифровая среда, стабильность.

**Abstract:** This article analyzes the role of moral norms in improving the spiritual life of society from a socio-philosophical perspective. Moral norms, as the main factor regulating human behavior, play an important role in shaping the stability and spiritual environment of society. Their historical development, compatibility with national and universal values, and their role in the education of young people are also highlighted. The transformation of moral norms and mechanisms for their strengthening in the conditions of modern globalization and the digital environment are substantiated. The article pays special attention to the issues of ensuring the spiritual development of society through the development of moral values. Scientific conclusions and practical proposals are also presented.

**Keywords:** morality, norm, spirituality, society, values, education, culture, globalization, digital environment, stability

Ўзбекистон бозор муносабатлари шароитида маънавий-ахлоқий кадриятларнинг баҳовий мезонлари аҳамияти ортиб, маънан баркамол авлодни тарбиялаш энг долзарб масалага айланди. «Маънавият», арабча – منویات сўзига мос келиб, ўзбек тилида «ахлоқий ҳолат; барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар»[1] маъноларини англатади. Бизнинг назаримизда, маънавият – жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, диний ва ахлоқий, маърифий, маданий, қарашларни ўзида мужассам этади. Ҳар бир миллатнинг



Ўз маънавиятини чуқур англаши, миллатнинг ўз-ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, эътиқод ва кадр ҳиссини бойитади. Шундай экан, маънавий инсонларнинг ўзаро муносабатларида, унинг ҳаётий тажрибалари давомида шаклланади ва ривожланади[2]. Шунингдек, маънавий – инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг бири бири билан узвий боғланган жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимидир[3].

«Маънавий» сўзининг негизида арабча «маъни» сўзи ётади. Маънавий сўзи маънига алоқадорликни билдирса, «маънавий» «маънавий» сўзининг кўпликдаги шаклидир. Бу тушунчанинг негизида ахлоқ ва одоб туради.

Ахлоқ ва одобни ўзига зеб деб билган, олижаноб фазилатларни касб қилган инсонларни руҳан пок инсонлар деб аташ мумкин. Қалбан улғайиш деганда эса, ички оламини илм-маърифат билан бойитиб бориш, эзгу фикр ва ниятларни доимо юксалтириб боришни тушунамиз. Зеро, «Инсон маънавий олами, инсоннинг руҳий, ақлий ва ҳиссий оламини ифода этадиган атама сифатида, шахснинг ахлоқий, маданий, фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, диний тасаввурларини ўз ичига олувчи мураккаб ҳодисадир»[4]. Шу боисдан ҳам инсоннинг маънавийлиги эканлигини унинг қалбан улғайишга интилишида кўришимиз мумкин. Бундай инсонлар қаторига илм-маърифат олишга интилаётган, ўз билимларини яратувчанлик, эзгулик, бунёдкорлик йўлида сарфлаётган фидойиларни киритишимиз мумкин.

Виждоннинг уйғоқлиги – инсоннинг тўғри яшаши, бировнинг ҳақиқага кўз тикмаслиги, адолат ва ҳақиқат тарафдори бўлишига сабаб бўлувчи ахлоқий-диний ҳодисадир. Зеро, биз ҳаётда, омонатга хиёнат қилмайдиган, ҳалол ризқ билан умр кечирувчи, муҳтожларга ёрдам берувчи, адолатсизликка қарши курашувчи инсонларни виждонли деб атаймиз.



Жамиятнинг иқтисодий-сиёсий барқарорлиги, тинчлиги учун виждонли инсонлар зарур.

А.Эркаевнинг фикрича, «Маънавият – инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузлиқа нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир»[5]. М.Имомназаровнинг «Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур...»[6], деган фикри, кейинчалик «Маънавият – инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир», деган таърифи рамзийлик касб этиб, зотан бошқача таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб кўяди»[7], деб ёзади. Э.Юсупов инсонда мавжуд бўладиган ҳамма хислатлар ва фазилатлар эмас, балки ижобийларигина маънавият бўла олишини кўрсатиб: «Маънавият – инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир»[4], деб таърифлайди. Т.Маҳмудов «...Маънавият – инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир»[8] дея маънавиятнинг муҳим аҳамиятига эаглиги назаридан шундай таърифни беради. Зеро, маънавият – яхшиликка мойиллик ва ёмонликдан тийилиш ҳиссидир.

Инсонда мавжуд бўладиган ҳамма хислатлар ва фазилатлар эмас, балки ижобийларигина маънавият бўла олишини файласуфлар: «Маънавият – инсон ахлоқ ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, имони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларнинг бир-бири билан узвий боғланган жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир»[4], деб таърифлайдилар.



Жамиятнинг тарихий ривожланиш даврини маънавият билан боғлайдиган бўлсак, уни тарихийлик ва мантиқийлик асосида кўриб чиқмоқ керак. Маънавият таҳлилида тарихийлик ва мантиқийликнинг уйғунлигидан келиб чиқмоқ, миллий маънавиятнинг тарихий томирларидан узилмаслик, ўзақларига – маънавий меросга таянмоқлик, ривожланиш диалектикаси – тадрижийликка асосланмоқ лозим. Ўтмишдан нималарни олиш, тиклаш, такомиллаштиришни билмоқ зарур. Шу маънода қаралса, умуминсоний маданият, кадриятлар миллий минтақавий маданият, маънавият кўринишида шаклланади, амал қилади ва бу объектив ҳол. Демак, маънавият умумбашарий кадрият сифатида талқин қилинар экан, уни ҳар қандай миллат ўз ривожланиш йўлида ислохотлар билан биргаликда қабул қилади. Бизнинг жамиятда ҳам маънавиятга ахлоқий, маданий, сиёсий жараёнлар билан боғлиқликда қаралади.

Жамиятда ҳар хил соҳалар тараққий этиб борар экан, бунда маънавиятнинг ўрни санъат, маданият, ахлоқ мезонларида намоён бўлади. Маънавиятсиз жамиятларда ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлардан оғилади, кадриятлардан воз кечилади ва маънавий инқирозга юз тутилади. Бундай жамиятларни узоқ ва яқин ўтмишда кўришимиз мумкин. «Ушбу манзара постсовет даври кишисида жавобгарлик ҳисси мутлақо қолмаганидан, унинг бузилган нафсини жиловлайдиган тизгин ҳам йўқолиб битаёзганидан, бу шароитда ким нима хоҳласа шуни қила бошлаганидан, бир сўз билан айтганда, одамлар ахлоқий инқирозни ҳам бошдан кечираётганларидан далолат беради. Ваҳоланки, мазкур аҳвол фақат Собиқ Иттифоқ даври моддиюнчи маънавиятнинг, яъни моддий эҳтиёжларини биринчи ўринга қўйиб келган дунёқараш мафкурасининг сарқитларигина натижаси эмас, балки кўп даражада постсовет фуқароларининг информацион очик жамият шароитига кириб келгани, айниқса, энг янги информацион технологиялардан таралаётган умумжаҳон маънавий иллатларнинг маънавий бўшлиққа кириб келаётгани оқибати ҳамдир»[4].



Жаҳон халқлари тажрибаси, уларнинг босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўллари, бу борадаги сабоқ ва хулосалар шундан далолат берадики, қаерда давлат ва жамият тараққий топса, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдига эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб яшаши учун етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда эркин фикрлаш муҳити ва шу асосида маънавият юксалиши учун янги имкониятлар туғилади. Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи саналади. Маънавиятсиз жамиятда ҳеч қачон одамийлик ва меҳроқибат, бахт ва саодат бўлмайди.

Маънавият замирида ахлоқ, ахлоқ замирида эса масъулият, ўзлигини англаш, жами эзгу фазилатларни ўзида жо этиш тушунчалари мужассамдир. Мана шундай ахлоқий қадриятлар асосида шаклланган юксак маънавиятли, ўзлигини англаган ёшларимизни тарбиялашда аجدодларимиз қолдирган бой маънавий мероснинг ўрни беқиёсдир. Айни шу нуқтаи назардан қараганда, «...бизнинг улуғ аجدодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини» ва «ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган орномус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибодат ва ифқат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил...»[10] этганини ва ушбу кодекс ҳалқимиз маънавиятининг мезони бўлиб келганини ва у миллий урф-одатларимизга айланиб кетганини ва эндиги ҳаётимизда ҳам зарурлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда тўғрилиқ ва ҳалолик каби мезони ўлчовларга биринчи даражали эътибор беришимизнинг боиси – иймон-этиқоди ва ахлоқий фазилатлар мажмуи, қўйингки, маънавияти кучли, миллий масъулият туйғуси қалбида чуқур илдиз отган, маънавий баркамол фуқароларга эга мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади. Шунинг учун маънавий баркамол инсонни, соғлом авлодни тарбиялаш муҳим ва долзарб



масала. Шу боис ҳам файласуф олимларимиз С.Отамуротов ва С.Хусановлар «Маънавият – инсоннинг ички руҳиятини, унинг ўзини-ўзи англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш йўлида онгли фаолият кўрсатиш ва интилиш салоҳиятидир»[11], деб таърифлайдилар.

Инсон тушунчаси инсонийликнинг юқори нуқтаси бўлиб, маънавий баркамоллик шахс етуклик ўлчови сифатида комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Маънавий баркамоллик, комиллик даражасининг пойдеворидир. Бизнингча, маънавий баркамолликка интилиш – комиллик даражасига эришиш учун кафолатидир. Комилликка инсон бутун умри давомида интилиб бориб, соғлом авлод, маънавий баркамол, комил инсон тушунчалари – инсонийликнинг меъёрий даражалари ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришда ахлоқий меъёрлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-фалсафий категория сифатида намоён бўлади. Улар инсонларнинг хулқ-атворини тартибга солиб, жамиятда ўзаро ишонч, ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини шакллантиради. Ахлоқий меъёрлар орқали шахснинг маънавий қиёфаси, вijdоний масъулияти ва ижтимоий фаоллиги ривожланади. Шу билан бирга, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги ахлоқий тарбиянинг самарадорлигини таъминлайди. Замонавий глобаллашув ва рақамли муҳит шароитида ахлоқий меъёрларни сақлаш ва ривожлантириш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса таълим-тарбия тизими, оила ва жамоат институтларининг ҳамкорлигини кучайтиришни талаб этади. Ахлоқий меъёрларга таянган ҳолда жамиятда барқарор маънавий муҳитни шакллантириш, унинг тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланади.



1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. Т 2. –Б.556.
2. Отамуротов С., Отамуротов С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. –Б.178.
3. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент: Университет, 1998. –Б.34.
4. Ма'naviyat asosiy tushunchalar izohli lug'ati. – Toshkent: G'.G'ulom, 2013. – В. 98.
5. Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. – Тошкент: Маънавият, 1997. – Б.27.
6. Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари. – Тошкент: Шарқ, 1996. –Б.6.
7. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Тошкент: Шарқ, 1999. –Б.14.
8. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент Университет, 1998. –Б.34.
9. Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.9.
10. Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувининг асоси // Тафаккур, 2009. – Б.16.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.118.

